ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-538-553

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ФАТҲЛАРИДА ҲАРБИЙ ТАКТИКА ВА ИСЛОМИЙ ҚАДРИЯТЛАР МУТАНОСИБЛИГИ

Жаъфар Холмўминов
Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Амир Темур ҳарбий ҳаракатларида тактика ва стратегия сифатида қўлланилган исломий қадриятлар ва ғоялардан бир нечтасига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Калит сўзлар: Соҳибқирон, Амир Темур, “Темур тузуклари”, Қуръони карим, Ҳадиси шариф, ислом, исломий қадриятлар, дин, иймон, эътиқод.

RELATIONSHIP OF MILITARY TACTICS AND ISLAMIC VALUES IN THE CONQUEST OF SAHIBKIRAN AMIR TEMUR

ABSTRACT

Below we briefly review some of the Islamic values and ideas used as tactics and strategies in Amir Temur's military operations.

Keywords: Sahibkiran, Amir Temur, “Temur's rules”, Holy Quran, Hadith, Islam, Islamic values, religion, faith, belief.

КИРИШ

Амир Темур ислом Пайғамбари Муҳаммад (сав)нинг “Барча амалларингиз ниятларингиз билан боғлиқдир”, мазмунидаги ҳадиси шарифига ихлос ва эътиқод билан қараган. Шунинг учун бўлса керак, у ҳар бир ишда, жумладан, ҳарбий ҳаракатлардан олдин холис ният қилишни ҳаёт тарзига айлантирган, кўнглида туғилган эзгу ниятларини амалга ошириш учун қатъий қарорлар чиқарган. Жумладан, у “Темур тузуклари”нинг “Туғлуқ Темурхон билан учрашганимдан сўнг кўнглимга келган биринчи кенгашим” қисмида бу ҳақда шундай дейди: “Туғлуқ Темурхон (саркардалари) Беккичик, Ҳожибек арканут, Улуғ Туғ Темур керайит ва Жетанинг бошқа амирларидан уч фавж (Фавж – ҳарбий бўлинма, катталиги турлича бўлган) тузиб, Мовароуннаҳр мамлакатини талон-тарож қилиш учун юборгани, ўша фавж қўшин Хузор деган жойга келиб тушгани ҳақидаги хабар менинг қулоғимга етди. Шунда Туғлуқ Темурхонни бориб кўришдан илгари бу очкўз амирларни мол-дунё билан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-538-553

маҳлиё этиб, Мовароуннаҳр вилоятини қатлу ғоратдан қутқариб қолишга қарор қилдим”.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Амир Темур ҳар бир ҳарбий юришидан олдин узоқни кўзлаб, чуқур тафаккур қилишга катта эътибор қаратган. У ўзининг “Темур тузуклари”да буни “Кенгаш” деб атайди. “Кенгаш” Амир Темур талқинида икки маънони англатган: 1.Мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиш: ўз-ўзи билан маслаҳатлашиш. 2.Бошқалар билан маслаҳатлашиш.

Амир Темур кенгаш – тафаккур қилиш ва мушоҳада юритиш натижаси қандай бўлишини қатъият ва тўғри қарорга келиш билан боғлайди: “Сипоҳни иккилантирадиган (турумсиз) кенгашни эшитишдан сақланардим”. Унинг нигоҳида, ҳукмдор ёки саркардада бу уч фазилат – тафаккур (кенгаш), қатъият ва қатъий қарор уйғунлик касб этиши зарур.

Узоқни кўзлаб, пухта ўйлаб иш тутиш Амир Темур ҳарбий стратегиясининг асосини ташкил этган. Вазиятни ўрганиб, таҳлил қилиш ва тўғри қарорга келиш унинг кўпгина ҳарбий ҳаракатлари зафар билан якун топишига сабаб бўлган. Жумладан, “Салтанатимни мустаҳкамлаш учун қилган ўнинчи кенгашим”да шундай дейди: “Қўшинимнинг жангга ҳозирлиги ҳақидаги хабар Бадахшон шоҳларига етгач, урушга тайёргарлик кўра бошладилар. Ўзимча мушоҳада қилиб, душман лашкар тўплам улгурмасдан бурун эпчиллик, уддабуронлик билан зарба бериб, уларни тўзитиб юбормоқчи бўлдим. (Шунинг учун) юриш қилиб, Таллиқонга (Таллиқон – ҳозирги Афғонистоннинг шимолидаги қадимги шаҳар. Ўтмишда Тохаристон давлатининг пойтахти. Ўрта асрларда яна иккита Таллиқон мавжуд бўлган: улардан бири – Ҳиротдан ғарброқда, иккинчиси – Каспийдан жануби-ғарбда жойлашган эди) етиб келдим.

Таллиқонга келганимдан Бадахшон шоҳлари хабардор бўлгач, тинч йўл тутиб, менга мулозим бўлишни ихтиёр қилдилар. Қўллаган тадбиримдан кўнглим тўлди ва хато қилмаганимни англадим. Менинг салтанатим бутун Бадахшон вилоятига ёйилди. Бадахшон сипоҳларининг аксарияти тамом хизматимда бўлишни ихтиёр этдилар”.

Амир Темур “Тузуклар”нинг “Жета ва Илёс Хожа лашкарига шикаст етказиш ҳақида қилган ўн учинчи кенгашим”ида ҳар бир жангдан олдин пухта ўйлаб, тафаккур қилиб ва ўз-ўзи билан маслаҳатлашиб, қатъий ва тўғри қарор чиқарганлиги ҳақида гапиради: “Шу пайт қарасам, Илёс Хожа ўз амирлари

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-538-553

билан отланиб, фавж-фавж бўлиб кетаётибди. Амирларим ва сипоҳийларим уларнинг кетидан қувиш мақсадида мендан буйруқ беришимни илтимос қилдилар. Мен ўйлаб туриб, то ғанимнинг мақсади маълум бўлгунча таъқиб этишни бир оз кечиктиришни маслаҳат кўрдим (ўзим билан маслаҳатлашиб, маъқул кўрдим – Ж.Х.). (Тахминан) тўрт фарсанг ерга бориб тўхтаганларидан кейин, уларнинг мақсадларини тушундим. Ниятлари – бизни тоғдан тушириб, яланг ерда жанг қилиш экан". Жета ва Илёс Хожа қўшини билан бўлган жанг Амир Темурнинг ниҳоятда тактикавий ҳаракат қилишини, энг оғир ва мураккаб вазиятларда ниҳоятда пухта ўйлаб кўриб, тўғри ва қатъий қарор чиқара олиш қобилиятига эга бўлганлигини кўрсатади. Унинг ана шундай қобилиятга эга бўлганлиги туфайли у кўпгина тенгсиз ва аёвсиз жангларда (Амир Темур сипоҳийлари сон жиҳатидан душман қўшинига нисбатан камчиликни ташкил этган ҳолларда), жумладан, Жета ва Илёсхожа қўшинларига қарши олиб борган жангида ҳам ғалаба қозонган.

"Темур тузуклари"нинг "Жета ва Илёс Хожа лашкарига шикаст етказиш ҳақида қилган ўн учинчи кенгашим"ида Амир Ҳусайн билан бўлган жанг тафсилоти ҳам баён этилади. Унда Амир Темур ва Амир Ҳусайн ўрталарида юзага келган зиддиятнинг асосий сабаби қуйидагича изоҳланади: "Амир Ҳусайн салтанатим азимати ва шон-шавкатининг кучайганини кўргач, унда ҳасад томирлари (қаттиқроқ) ура бошлади. Қасам билан қилган аҳд-паймонларини бузиб, менга қарши исён туғини кўтарди. Мен унинг олдига кўп марта (лутф-марҳаматлар кўрсатиб) бордим, у бўлса асло қошимга келмади. Бунинг устига сиртидан такаллуфлар билдириб, аслида ҳийла-найранг ишлатиб, мендан қарши қалъасини олиб қўйди. Қарши қалъасини қўриқлаб туриш учун кўрғонбеги амир Мусо бошчилигида етти минг отлиқ аскар тайинлади. Кейинроқ у ерга яна қўшимча беш минг аскар юборди. Бу билан кифояланмай, мени ўлдирмоқчи бўлди". Ана шундай вазиятда Амир Темур унга қарши жанг қилишдан бошқа чора қолмаганини тушуниб, қўшин тузади. Унинг қўл остидаги амирлари Қарши қалъасини тортиб олиш учун жангга ундаган чоғларида вазиятни таҳлил қилиб, пухта ўйлаб, режа ишлаб чиқади. Бу ҳақда шундай дейди: ""Қарши қалъасини олиш режаларини туза бошладим. Улар айтгандай уруш билан олсам, бунинг хатарли томонлари кўплиги кўнглимдан ўтди. Ўзимча: "Мабодо қалъани жанг билан олмоқчи бўлсам, ғаним лашкарининг ёмон кўзидан қўшинимга зарар етса-чи?" – деб ўйладим. Сўнгра жанг қилиш фикридан вақтинча воз кечдим ва бошқа тадбирни қўллашга киришдим". Амир Темур тенгсиз жангда аскарларни қурбон қилмаслик ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-538-553

унчалик катта бўлмаган қўшин билан ғалаба қозониш мақсадида ҳарбий ҳийла ишлатади. Қайд этиш лозим, Амир Темур кўпгина урушларда ҳарбий ҳийлалар ишлатгатишни режалаштирган ва уларни муваффақиятли амалга оширган: “Хуросон томонга юзланиб, бу билан Қарши қалъаси бекларининг хотирини жам қилмоқчи бўлдим. Кейин эса лашкарим билан (яширинча) орқага қайтиб, тунда тўсатдан қалъага ҳужум қилиб, у ерни босиб олишни режаладим. Хуллас, бу ердан кўчиб, Хуросонга қараб йўлга тушдим”. Ҳарбий ҳийла – бу жаҳон жанг санъати тарихида бор бўлган ҳақиқат. Ундан тарихда Амир Темургача ном қозонган барча машҳур лашкарбошилар ва қўмондонлар фойдаланганлар. Энг муҳими, ҳарбий ҳийла ислом Пайғамбари Муҳаммад (сав) томонидан ҳам бир неча ўринда унумли қўлланилган. Масалан, саҳоба Салмон Форсий таклифи билан тузилган ва Муҳаммад (сав) томонидан маъқулланган “хандақ” режаси ислом тарихида “Хандақ жанги” номи билан машҳур. Амир Темур ҳам ўз навбатида ёғийлар ва рақиблари устидан ғалаба қозониш ҳамда аскарларини камроқ талофат билан жангдан олиб чиқиш учун ана шундай режалар – ҳарбий ҳийлалар тузиб турган ва кўпинча мақсадга эришганлиги “Темур тузуклари”дан ҳам, бошқа тарихий манбалардан ҳам маълум.

“Темур тузуклари” ва барча тарихий манбаларда келтирилган маълумотлар Амир Темурнинг тафаккур соҳиби эканлигини исботлайди. Ҳар бир масалани чуқур идрок этиб, пухта ўйлаб ва таҳлил қилиб, ўзи билан машварат қилиб, сўнг бир қатъий қарорга келиш – Амир Темурнинг улуғ фазилатларидан бири бўлган. Унинг ботиний – интуитив билиш қобилияти ҳам юксак бўлган ва кўпинча, энг мураккаб вазиятларда, масалан, “Мени қўлга туширмоқчи бўлган Амир Ҳусайннинг макру ҳийласидан қутулиш учун қилган кенгашим”да келтирганидек, Амир Ҳусайн “дўстлик ва қариндошликни риоя қилишдан бўлак ниятим йўқ”, “агар сенга айтган гапларимга хилоф бирон иш тутиш ниятим бўлса ва ўртадаги аҳд-паймонимни бузиб сенга ёмонлик қилсам, шу ушлаган Қуръон – Худонинг китоби мени урсин”, деб Қуръон билан қасам ичгандан сўнг ҳам Амир Темурни ҳийла билан ўлдирмоқчи бўлганида Амир Темур бир томондан уни мусулмон деб билгани учун унинг қасамига ишонганини, иккинчи томондан, унинг ўз ваъдасига вафо қилмаслигини билганини, шунинг учун олдиндан эҳтиёт чораларини кўрганини айтади. Бу ерда ҳам Соҳибқироннинг интуицияси панд бермайди: Амир Ҳусайн унга тузоқ қўяди, аммо ўз тузоғига ўзи тушади.

Соҳибқирон ҳар бир ишни, жумладан, ҳар бир юришдан олдин машварат қилиш заруратини ислом пайғамбари Муҳаммад (сав) ҳадислари билан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-538-553

боғлайди: “Яна тажрибамдан ўтмишким, гарчи ишнинг қандай якунланиши тақдир пардаси орқасида яширин бўлса ҳам, ақли расо ва ҳушёр кишилардан *кенгашу тадбир* истаб, фикрларини билмоқ лозимдир. (Шунинг учун) пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам (унга Тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин) айтганларидек, ҳар бир ишни қилишга киришар эканман, аввало обдан ўйлаб, (амирларим билан) кенгашдим.

Маслаҳатчилар ва кенгаш аҳли йиғилганда, олдимиздаги ишларнинг яхши-ёмон, фойдаю зиён томонлари, уларни амалга ошириш, оширмаслик ҳақида сўз очиб (улардан) фикр сўрар эдим. Сўзларини эшитгач, ишнинг ҳар икки томонини мушоҳада қилиб, фойда-зиёнларини кўнглимдан кечирардим; унинг хатарли томонларига кўпроқ эътибор назари билан қарардим; қайси бир ишда икки хатар мавжуд бўлса, уни (бажаришдан) воз кечардим ва бир хатарлик ишни ихтиёр этардим. Чунончи, шунга кўра Туғлуқ Темурхонга Туғлуқ Темурхон – Мўғулистон хони (1348 – 1362). Мўғулистон ёки Жета – Чиғатой улуси парчаланиши натижасида унинг Мовароуннаҳрдан шарқдаги қисми, яъни Шарқий Туркистон ва Еттисув ерларини ўз ичига олган давлат. Хон 1360 – 1361 йиллар баҳорида Мовароуннаҳрга икки марта юриш қилиб, Қашқадарё воҳасигача етган. 1362 йили вафот этган (изоҳлар А. Аҳмедовнинки) тўғри йўл кўрсатганман. Унинг амирлари Дашти Жетада (Еттисувда Чу дарёси атрофидаги даштлик – А.А.) исён туғларини кўтарганларида, мендан маслаҳат сўради. Унга шундай дедим: “Агар ғанимни синдириш учун бир фавж аскар юборсанг, олдингда икки хатар бордир, агар ўзинг олиб борсанг, бир хатар мавжуд”. У менинг маслаҳатимга кириб, Дашт томон ўзи бориб эди, мен айтгандек бўлди”.

Шунингдек, Амир Темур пирлар – муршиди комиллар, устозларнинг маслаҳатлари ва ўгитларига амал қилишни муҳим омил деб билган ва бунга ўзи ҳам қатъий амал қилган: “Пирмиз менга ёзмишларким: “Абулмансур (Абулмансур (луғавий маъноси: зафар, ғалаба қозонувчи) – уламо ва машойихлар тарафидан Амир Темурга берилган фахрли ном) Темур, салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилгин, яъни: 1) (ўзинг билан) кенгаш; 2) (бошқалар билан) машварату маслаҳат айла; 3) ҳушёрлигу мулоҳазакорлик билан қатъий қарор чиқар; 4) эҳтиёткор бўл. Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча қилган ишларию айтган гаплари хато бўлган жоҳил кимсага қиёслаш мумкин; унинг сўзлари ва қилмишлари бошга пушаймонлик ила надомат келтиргай. Шундай экан, салтанатни бошқаришда машварату маслаҳат

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-538-553

ва тадбир билан иш юритгин, токи оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмагайсан”.

Яна бир жойда шундай дейди: “...Чингизхон авлодидан бўлмиш Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳр мулкини босиб олиш қасдида қўшин тортиб (воқеа 1360 йилнинг баҳорида содир бўлган), Хўжанд сувидан кечиб ўтгач, менга, амир Ҳожи Барлос (Амир Ҳожи Барлос – нуфузли барлос бекларидан. Кеш ва унга тобеъ ерлар ҳокими. Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”сида келтирилишича, Амир Темурнинг амакиси бўлган ва 1361 йили Хуросоннинг Жувайн мавзесида ўлдирилган – А.А.) ва амир Боязид Жалойир (Хўжанд вилоятининг амири. 1361 йили Туғлуқ Темурхоннинг буйруғига кўра қатл этилган – А.А.) номига ёрлиқ жўнатиб, унинг ҳузурига боришимизни талаб қилган эди. Улар мен билан кенгашдилар: “Ўз эл-улусимиз билан Хуросонга кетайликми ёки Туғлуқ Темурхоннинг қошига борайликми?” Мен уларга бундай йўл кўрсатдим: “Туғлуқ Темурхоннинг ҳузурига борсангиз икки фойда, бир зиён бордир. Хуросон томонга ўтиб кетишнинг эса икки зиёни, бир фойдаси бордир”.

Улар менинг кенгашимга кирмадилар ва Хуросон томонга кетдилар (бу воқеа 1361 йилда содир бўлди – А.А.). Мен ҳам Хуросонга ёки бўлмаса Туғлуқ Темурхоннинг қошига бориш-бормаслигимни билмай иккиланиб қолдим. Шу ҳол асносида пиримдан маслаҳат сўраб хат ёзган эдим, ушбу мазмунда жавоб ёзиб юборибдилар: “Тўртинчи халифадан (бу ерда ҳазрати Али ибн Абу Толиб (656- 661), Муҳаммад пайғамбарнинг амакиваччаси ва куёви назарда тутилган – А.А.), унга Тангрининг караму марҳамати бўлсин, бир киши сўрабдики, осмон – камон, ер – камон ипи, ҳодисалар ўқ-ёй бўлса, инсонлар ул ўқ-ёйларга нишон бўлса, отғучи (эса) – буюк ва қудратли Худойи таоло бўлса, одамлар қаерга қочадилар?” Халифа жавоб қилиб: “Одамлар Тангрининг қошига қочсунлар”, - дебди. Шунга ўхшаш сен ҳам ҳозир Туғлуқ Темурхоннинг олдига қочғил ва қўлидаги ўқ-ёйини тортиб олғил”.

Бу жавоб келиши билан кўнглим кўтарилиб, юрагим бундан қувват олди ва Туғлуқ Темурхон олдига боришга аҳд қилдим”.

إِنَّ فِي هَذَا لَبَلَاغًا لِقَوْمٍ عَابِدِينَ

“Албатта, бунда (Қуръонда) ибодат қилувчилар қавми учун хушхабар бордир”.

وَكَذَلِكَ أَنْزَلْنَاهُ آيَاتٍ بَيِّنَاتٍ وَأَنَّ اللَّهَ يَهْدِي مَنْ يُرِيدُ

“Биз уни (Қуръонни) мана шундай баён этувчи оятлар шаклида нозил қилдик. Аллоҳ ўзи ирода этган кишиларни ҳидоятга йўллагай”.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-538-553

Амир Темур одатда ҳар бир кенгашдан сўнг Қуръони каримга мурожаат қилган. Унинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: “Лекин бирон ишни қилмоқчи бўлсам, кенгашиб олгач, кейин Қуръондан фол очардим ва Қуръон ҳукми билан иш қилур эдим. Туғлуқ Темурхон олдига боришдан аввал Қуръонни очсам, “Сураи Юсуф” чиқди ва Қуръони мажид ҳукмига амал қилдим”.

Кенгаш қилиш ва қарор чиқаришдан кейин Амир Темур Қуръони карим оятларидан руҳий мадад олган. Бу ҳақда “Лашкаримни иттифоққа келтириш учун қилган шн иккинчи кенгашим”да шундай дейди: “Лашкардан кўнглим тинчигач, Илёс Хожага қарши жангга ҳозирлик кўра бошладим. Уни даф этиш ва (у билан) қай йўсинда уруш олиб боришим ҳақида кенгашдим, ғанимлар хабар топиб улгурмасдан, чапдастлик билан уларнинг устига қўққисдан босқин қилишга қарор бердим. Бу хусусда Қуръони мажиддан фол очиб қарасам, ушбу ояти карима чиқди: “Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Оллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қозонган”.

Ушбу башоратни топганимдан кейин лашкаримни тартибга келтирдим. Уни етти фавжга бўлиб, йўлга тушдим. Тонг ёриша бошлаганда (Илёс Хожанинг) ҳировули бўлмиш Туғлуқ Сулдуз ва Кайхусравга етишдим. Икки ҳамла билан уларни енгдим ва (уларни) Илёс Хожа жойлашган Пули сангингача қувиб бордим”.

Жангдан олдин ибодат, дуо ва муножот қилиш

Намоз (салот) ислом динига 5 та фарзнинг биринчисидир. Қуръони каримнинг кўплаб ояти карималарида мусулмонлар намоз ўқишга буюрилган. Жумладан:

وَاسْتَعِينُوا بِالصَّبْرِ وَالصَّلَاةِ وَإِنَّهَا لَكَبِيرَةٌ إِلَّا عَلَى الْخَاشِعِينَ

(Аллоҳдан) сабр ва намоз ила ёрдам сўрангизлар. Дарҳақиқат, у (намоз) оғир ишдир. Илло, итоатли (хокисор) кишиларга (оғир) эмас”.

Ёки:

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ وَارْكَعُوا مَعَ الرَّاكِعِينَ

“Намозни баркамол ўқингиз, закот беринг ва рукуъ қилувчилар (намозхонлар) билан бирга рукуъ қилингиз (намоз ўқингиз)!”

Соҳибқирон ҳар бир жангдан олдин Аллоҳга топиниб, тоат-ибодат қилиб, чин дилдан ўзи ва лашкари ҳақига дуо қилишни одатий ҳолга айлантирган. Бу ҳақда жумладан, шундай дейди: “Эртасига отланиб, дарани айлана бошладим. Унинг ўртасида бағоят хушҳаво бир тепалик бор экан, ўша баландликка чиқдим. Лашкарлар ул тепаликни қуршаб жойлашдилар. Ўша кеча

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-538-553

жума туни эди, тонг отгунча (худодан мадад сўраб) ухламай чиқдим. Тонг отгач, бомдод намозини ўтадим, сўнг қўлимни дуога очган эдим, кўзларим ёшланиб, юрагим бўшашди. Тангри таолога ёлвориб, мени бу сарсонликдан қутқаришини тиладим".

Амир Темур қуйидаги ояти каримага ишонган ва унга қатъий амл қилганлиги унинг бутун фаолиятида, жумладан, жанг олдидан яққол кўзга ташланади:

قُلْ إِنَّ صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

"Айтинг: «Албатта, намозим, ибодатим ва ҳаёту мамотим оламлар Рабби бўлмиш Аллоҳ учундир".

Амир Темур дуонинг қудратига, унинг қабул бўлишига қаттиқ ишонган ва уни ибодатнинг асосий унсурларидан бири деб билган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди:

"Дуо тамом бўлганича ҳам йўқ эдики, узоқдан бир тўда одам кўринди. Улар тепаликни ёнлаб ўтиб кетмоқда эдилар. Отланиб, уларнинг кимлигини билиш мақсадида орқаларидан бордим. (Қарасам) ҳаммаси бўлиб етмиш отлиқ экан. Улардан сўрадим:

– Баҳодирлар, ким бўласизлар?

Улар жавоб қилдилар: – Амир Темурнинг навкарларимиз".

Амир Темур "Тузуклар"нинг "Жета ва Илёс Хожа лашкарига шикаст етказиш ҳақида қилган ўн учинчи кенгашим"ида Илёс Хожа билан бўладиган жангдан олдин Аллоҳдан мадад сўрагани ҳақида шундай дейди: "Мен туни билан тоғ устида ухламай Тангри таоло даргоҳига илтижо қилиб, ундан ожизу муҳтож бандасига мадад беришини тилаш ва пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам, унинг яқинлари ва саҳобаларига саловот айтиш билан машғул бўлдим". Кузатилишича, Амир Темурнинг аксарият дуо ва муножотлари мустажоб бўлган экан. Бу жангда ҳам унинг дуолари ижобат бўлганини қуйидагича тасвирлайди: "Ярим уйқу ва ярим уйғоқлик орасида қулоғимга аллакимнинг: "Темур, фатҳу зафар сенга ёр бўлади!" – деган овози эшитилди". Айнан шу ҳодисанинг давомида Амир Темурнинг ҳар бир жанг олдидан намозини адо этгани ҳам маълум бўлади: "Тонг отиб, ёруғ тушгач, намозни жамоат билан ўқидим".

Ийқон (қатъий ишонч) ва таваккул

Аллоҳнинг мададига қатъий ишонч Амир Темурнинг ҳар бир жанг бошланишида асосий меъёр бўлиб хизмат қилган. Амир Темур Қуръонни яхши

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-538-553

билган, барча ишларда мадад ва ғалаба Аллоҳдан эканлиги қуйидаги ояти каримада собит этилганлигига қаттиқ ишонган:

وَمَا جَعَلَهُ اللَّهُ إِلَّا بُشْرَى لَكُمْ وَلِتَطْمَئِنَّ قُلُوبُكُمْ بِهِ وَمَا النَّصْرُ إِلَّا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ الْعَزِيزِ الْحَكِيمِ

“Буни (мададни) Аллоҳ сизларга хушхабар бўлиши ва дилларингиз у билан таскин топиши учун берди. Ғалаба эса, фақат Аллоҳ ҳузуридадирки, У Азиз ва Ҳакимдир”.

Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: “... амир Мусо ва Малик баҳодир ўн икки минг отлиқ аскар билан устимга бостириб келиб, мени Қарши қалъасида қамал қилдилар. Мен тангрининг мададию иноятига ишониб, тадбиркорлик ва эҳтиёткорлик ишлатган ҳолда қалъадан чиқиб, қулай фурсатларда бир неча марта жангга кирдим. Пировардида шу икки юз қирқ уч йигитим билан ўн икки минг отлиқ ғаним лашкарини мағлубиятга учратдим ва уларни бир неча фарсанг (тахм. 6 км га тенг масофа – А.А.) ергача қувиб бордим”.

Энг оғир вазиятлардан ҳаёт ва мамотини, инон-ихтиёрини Аллоҳга топшириш, яъни Унга таваккул қилиш Амир Темурнинг ҳаётий принципларидан бири бўлган. Бунга унинг тузукларидан ҳам, тарихчиларнинг маълумотларидан ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Қуръони каримни яхши билган Соҳибқирон, табиийки, бу ҳақда қуйидаги ояти карима ҳукмига амал қилган:

فَإِنْ تَوَلَّوْا فَقُلْ حَسْبِيَ اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ وَهُوَ رَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ

“Бас, (шунда ҳам) юз ўгирсалар, (уларга) айтинг: «Менга Аллоҳ кифоядир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Унга таваккул қилдим. У буюк Аршнинг парвардигоридир!”.

5.Сабр

“Сабр” муҳим исломий тушунчалардан бири бўлиб, у ҳақда Қуръони каримда кўплаб оятлар мавжуд.

وَاسْتَعِينُوا بِالصَّبْرِ وَالصَّلَاةِ وَإِنَّهَا لَكَبِيرَةٌ إِلَّا عَلَى الْخَاشِعِينَ

“(Аллоҳдан) сабр ва намоз ила ёрдам сўрангизлар. Дарҳақиқат, у (намоз) оғир ишдир. Илло, итоатли (хокисор) кишиларга (оғир) эмас”.

Ёки:

الصَّابِرِينَ وَالصَّادِقِينَ وَالْقَانِتِينَ وَالْمُنْفِقِينَ وَالْمُسْتَغْفِرِينَ بِالْأَسْحَارِ

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-538-553

“(Улар) сабрли, садоқатли, итоатли, саховатли ва саҳар чоғларида Аллоҳдан мағфират сўрайдиган кишилар эди”.

Ёки:

الَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَجِلَتْ قُلُوبُهُمْ وَالصَّابِرِينَ عَلَى مَا أَصَابَهُمْ وَالْمُقِيمِي الصَّلَاةِ وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِقُونَ

“Улар Аллоҳ зикр қилинганида диллари қўрқувга тушадиган, ўзларига етган балоларга сабр қиладиган, намозни баркамол адо этадиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан эҳсон қиладиган зотлардир”.

Қуйидаги ояти каримада ҳам буюрилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آَمَنُوا اسْتَعِينُوا بِالصَّبْرِ وَالصَّلَاةِ إِنَّ اللَّهَ مَعَ الصَّابِرِينَ

“Эй, имон келтирганлар! Сабр ва намоз билан (Мендан) ёрдам сўрангиз! Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир”.

“Сабр” Ҳадиси шарифда ҳам жуда кўп келган. Шунингдек, “сабр” тасаввуф таълимотининг руҳий-маънавий такомил босқичлари – мақомотларидан бешинчи мақом ҳисобланади. Ҳадиси шарифда келтирилишича, Паймбар (сав)дан “Иймон нима?”, - деб сўраганларида “Сабр”, - деб жавоб берган эканлар.

Амир Темур сабр тушунчасига алоҳида урғу беради. У бу тушунчани ҳаётининг барча жабҳаларида доимий тарзда ишлатади ва бошқаларни ҳам сабрга қилишга чақиради. Айниқса, давлат ишларини бошқаришда сабрнинг ўрни алоҳида эканлигини уқтиради: “Яна шуни билгилким, салтанат ишларининг бир қисми сабру тоқат билан бўлгай”.

Амир Темур *сабр* тушунчасини *кенгаш, тўғри тадбир, қатъий жазм, эҳтиёткорлик ва узоқни ўйлаш* тушунчалари билан ёнма-ён қўяди: “Ишларимнинг барини кенгаш билан юргизиб, уни битиришда тўғри тадбир қўллар эдим. Бир ишга киришмай туриб, ундан чиқиш йўлларини ўйлаб қўяр эим. Уни тўғри тадбир, қатъий жазм, *сабр-чидам* кўрсатиб, эҳтиёткорлик билан узоғини ўйлаб, ортини эсдан чиқармаган ҳолда охиригача етказардим”. *Сабр-чидам* тушунчаси *кенгаш, тўғри тадбир, қатъий жазм, эҳтиёткорлик ва узоқни ўйлаш* тушунчалари билан бирга Амир Темур ҳарбий юришларида муҳим категорияларни ташкил этади ва шундан келиб чиққан ҳолда Соҳибқироннинг ўзига хос жанг тактикаси манзарасини гавдалантиради.

“Салтанатни тиклаш йўлидаги тўққизинчи кенгашим”да Амир Темурнинг энг оғир вазиятларда ҳам сабр қилгани ва қийинчиликларни сабр-бардош билан енггани ҳақида сўз боради: “Менинг келганим ҳақидаги хабар Илёс Хожага етгач, Беккичикнинг иниси Алачун баҳодирни катта қўшин билан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-538-553

устимга юборди. Қоровулларим ғафлат уйқусида қолган эканлар, уларнинг ёнидан ўтиб, билдирмай, тун қоронғусида тўсатдан устимга ҳужум қилиб келдилар.

Қароргоҳим уч томони сув билан ўралган ярим оролда жойлашганди. Ярим орол ташқарисида қурилган бир неча чодир Жета лашкари томонидан талон-торож қилинди. Омон қолган аскарлар ярим оролга кўчиб ўтдилар. Мен бўлсам жангга шайланиб, тезлик билан ярим оролнинг кириш қисмига бордим. Душман мендан қўрққани сабабли урушга ботиниб киролмади. Ўн кунгача шу ярим оролда турдим. Сўнг у ердан чиқиб, сув бўйларида олачуқлар (шу номли шолча туридан ясалган капа ёки чодар – А.А.) тиктириб, Жета лашкарининг қаршисида бир ой давомида кузатиб турдим. Охири ғанимни қўрқув босим, орқасига қайтиб кетди. Мен сувдан ўтиб, уларнинг манзилига тушдим ва душман орқасидан таъқиб қилиш учун бир фавж аскар жўнатдим”.

“Темур тузуклари”нинг “Салтанатимни мустаҳкамлаш учун қилган ўнинчи кенгашим” қисмида яна Амир Темурнинг сабр-бардошини мушоҳада этамиз: “Қундузга етиб боргач, бурулдай (бу ерда жалойир қабиласига қарашли эл ҳақида сўз юритилмоқда – А.А.) элининг сардорлари менга келиб қўшилмагунларича ўша ерда кутиб турдим”.

Тасаввуф таълимотида Айюб (а) мақоми “Сабр” мақоми деб аталади. Бундай қараш кўпгина тасаввуф тариқатлари учун муштарак ҳисобланади. Амир Темур эса тасаввуф пирларига ўзгача ихлос билан қараган. Айниқса, Хожагон тариқати улуғлари Амир Темур учун ниҳоятда қадрли бўлган. Амир Темурнинг Яссавия тариқатига ҳам ихлоси баланд бўлганлиги ҳақида далиллар мавжуд.

Бунинг асосий сабаби бир томондан “... Яссавия таълимоти ўзининг мустаҳкам интизоми, пок исломий-мазҳабий, ирфоний-тасаввуфий ғоялари билан Туркистон халқларини мўғуллар зулми ва истибдодига қарши жипслаштириб тарбиялаб борган” лигида бўлса, иккинчи томондан, Амир Темур Хожа Аҳмад Яссавийнинг (1166-1167 йилда вафот этган) авлиёлик мартабасидан маънавий, руҳий озиқ, куч олиб келганлигидадир.

Шукр

Аллоҳнинг берган неъматлари ва яхши кунларига шукр қилиш муқаддас ислом динининг муҳим қадриятларидан ҳисобланади. Бу ҳақда Қуръони каримнинг кўплаб ояти карималарида сўз боради. Жумладан:

اذْكُرُونِي أَذْكُرْكُمْ وَاشْكُرُوا لِي وَلَا تَكْفُرُونِ

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-538-553

“Бас, Мени ёд этингиз, (Мен ҳам) сизларни ёд этурман*. Менга шукр қилингиз, ношукрчилик қилмангиз!”

Қуйидаги ояти каримада неъматлар ва муваффақиятлар шукрона қилувчи кишиларга берилиши ҳақида сўз боради:

وَكَذَٰلِكَ فَتَنَّا بَعْضَهُمْ بِبَعْضٍ لِيَقُولُوا أَهَٰؤُلَاءِ مَنَّ اللَّهُ عَلَيْهِمْ مِنْ بَيْنِنَا أَلَيْسَ اللَّهُ بِأَعْلَمَ بِالشَّاكِرِينَ

“Бизларнинг ичимиздан (келиб-келиб) Аллоҳ ўшаларга неъмат ато этибдими?!» – дейишлари учун уларнинг баъзиларини баъзилари билан ана шундай имтиҳон қилдик. Шукр қилувчилар (ким экани)ни Аллоҳ билувчироқ эмасми?!”

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳар бир берган неъматига шукр қилиш, неъматларни зиёда айлаши ва ношукрлик қилиш куфрга олиб боришини Амир Темур яхши тушунган. Шунинг учун ҳам у ҳар бир ғалаба, ҳар бир яхши хабар, ҳар бир берган неъматига шукр қилишни канда қилмаган. Буни унинг тузукларида ҳам, унга оид тарихий асарларда ҳам кўрамиз. Жумладан, Амир Темур Гармсирни ўз тасарруфига олгач, Балх сарҳадидаги тоғларда туриб, Мовароуннаҳр мулкини забт этиш мақсадида ўша ерда қўшин тўплашга киришади. Оғир ва мураккаб вазиятда турган бўлса ҳам Аллоҳга шукрона келтиради. Бу ҳақда ўзи шундай дейди: “...бу ердан отланиб чиқиб (қарасам), мен билан фақат қирқ отлиқ кишигина қолган экан. Лекин уларнинг бариси аслзода, амирзода, насли пок йигитлар эди. Шундайин азаматлар бу оғир кунларда нима учундир мендек олтину молсиз, озиқ-овқатсиз бир кишига ҳамроҳ бўлиб, итоат қилиб юрганлари учун Тангри таолога шукрлар айтдим. Ўзимча: “Оллоҳ таолонинг мен билан қиларлик улуғ ишлари кўп бўлса керакким, ўзим каби йигитларни менга бўйсундирмиш”, - деб ўйладим”.

Хайру саховат ва эҳсон. Силаи раҳм

Бандanинг ўз яқинлари, қариндош-уруғлари, дўсту биродарлари, қўни-қўшнилари, қўл остидаги кишилар, бева-бечоралар, етим-есирлар, муҳтожлар ва толиби илмларга хайру эҳсон қилиши исломнинг энг гўзал қадриятларидан саналади. Бу ҳақда Қуръони каримда, айниқса, “Бақара” сурасида кўплаб оятлар мавжуд. Жумладан:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-538-553

الَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِالْغَيْبِ وَيُقِيمُونَ الصَّلاةَ وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِقُونَ

“улар ғайбий хабарларга (пайғамбарим Муҳаммад келтирган хабарларга) имон келтирадиган, намозни баркамол ўқийдиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан (садақа ва) эҳсон қиладиганлардир”.

Амир Темур ёшлигидан хайру саховат қилишни хуш кўрган. Бу гўзал одат умр бўйи уни тарк этмаган. Жумладан, уруш арафасида ночор ҳолда турган пайтида уни қўллаб-қувватлаш ва у билан ёнма-ён жанг қилишга келган дўстлари – саркардаларга ўзининг қимматбаҳо нарсаларини ҳадя этади: “Улар отларининг жиловини буриб, мени дарҳол ҳузурларига келтиришни буюрдилар. Улар уч фавж эканлар. Биринчи фавжнинг садори – Туғлуқ Хожа Барлос, иккинчисиники – амир Сайфиддин, учинчисиники – Тутак баҳодир экан. Мени таниган заҳотлари ўзларидан кетаёзиб, отдан тушдилар. Тиз уриб, узангимни ўпдилар. Мен ҳам отдан тушиб, ҳар бири билан қучоқлашиб кўришдим. Мандилимни Туғлуқ Хожанинг бошига қўйдим. Жуда нозик ишланган, олтин билан зийнатланган камаримни эса амир Сайфиддиннинг белига боғладим. Чопонимни Тутак баҳодирга кийдирдим. Уларнинг кўнгли юмшаб, бағоят таъсирландилар. Мен ҳам қаттиқ таъсирландим. Пайтида жамоат билан намозни адо этдик”.

Амир Темур силаи раҳм, хайру эҳсон, садақа ва сахийлик қилишни мусулмончиликнинг асосий белгиларидан бири деб билган ва шунга қатъий амал қилган. У бу ишни ҳарбий ҳарактлардан олдин қилишни саркардалари ва аскарларини руҳлантириш, уларнинг ўзига нисбатан ишончини қозониш шартларидан бири деб билган.

“Темур тузуклари”нинг “Салтанатимни мустаҳкамлаш учун қилган ўнинчи кенгашим” қисмида яна Амир Темурнинг сахийлик фазилатини мушоҳада этамиз: “Қундузга етиб боргач, бурулда элининг сардорлари менга келиб қўшилмагунларича ўша ерда кутиб турдим. Келишгач, уларнинг ҳар бирига фахрли хилъатлар кийгизиб, кўнгилларини овладим”.

Тушни таъбир этиш

Исломда туш пайғамбарликнинг қирқ олти жузидан бири ҳисобланади. Қуръони каримнинг “Юсуф” ва “Ва-с-саффот” сураларида илоҳий тушлар ҳақида сўз боради. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорийнинг “Ҳадис” китобида бир бўлим тушга бағишланган. Исломда туш, асосан, учга бўлинади: Оллоҳ ҳамда малоиклар томонидан нозил бўладиган ва шайтон васвасаси туфайли юз берадиган тушлар.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-538-553

Буюк мутакаллим ва мутасаввиф Имом Ғаззолий “Туш ва уйқу оламида ғайбни билмак жаноби Ҳақнинг санъати ажойиботларидандир, одам ўғли фитратининг ғаройиботларидандир”, деб тушга юқори баҳо беради. Маълумки, исломга қадар ҳам тушга ғайб оламининг бир мўъжизаси сифатида қараш мавжуд бўлган. Тушга руҳлар ва ўзга олам билан мулоқот қилиш воситаси сифатида ёндашилган. Бу тушнинг сирли, илоҳий эканлиги билан ҳам изоҳланади.

Х.Бобобеков “Темур қиссаси”нинг сўз бошида бу масалаларга аҳамият қаратиб, “Амир Темурнинг кўрган тушлари ва уларни шарҳлаб, режаларига таққослаб кўриш, кўплаб тушлари тўғри бўлиб чиқиши хақида қизиқарли маълумотлар бор...” дейди.

Қуръондан фол очиш ва тушларни таъбир этиш Соҳибқироннинг у ёки бу хатти-ҳаракатига руҳан ёрдам берар ва ўзига нисбатан ишончнинг ортишига хизмат қилар эди. Булар жанг пайтида нафақат ўзига, балки бутун қўшинига ишонч ва куч-қувват бағишларди. Бундай руҳий мадад жанг олдидан жуда катта омил ҳисобланади. Туш таъбрлари Амир Темурнинг жангларда енгилмай доимо ғолиб чиқишининг муҳим сабабларидан бири сифатида қаралмоғи лозим.

Соҳибқирон кўрган тушларидан бирнинг таъбирини шундай ифодалайди: “Шом устига черик чеққан пайтимда Миср, Шом ва Истамбул лашкари ҳаммаси жам бўлиб келган эдилар. Менинг амирларим қошимга келиб: “Уч *лашкар билан урушмоқ уч лашкар қўшинларини қочиришга анча куч керакдир”*, - дедилар. Ва мен намоз ўқишга машғул бўлиб, уйқуга кетдим. Тушимда кўрсам бир тоққа чиққан эмишман. Ўша тоғнинг тепасига чиқсам, оқ-қора булутлар, гард-ғуборлар атрофимни ўраб олган эмиш. Шу пайт кўрдимки, ёмғир ёғиб, ўша гард-ғуборни босди. Ву тушумни уламо шундай таъбир қилди: *“Ўша тоғ Шом диёридир, оқ ва қора булут Миср ва Шом лашкаридир, гард-ғубор уларнинг исёнидир ва ёмғир қатралари Амир лашкаридирки. улар Миср ва Шом қўшинларини қаҳрига олиб, исён ва ғавғоларини бостиради”*. Шундан сўнг мен ўша кўрган тушумга суяниб юлдузлар каби лашкарим билан ой каби Шом диёрини таслим килишга жўнадим. Сўнг Миср ва Шом лашкарини қочириб, зафар қозониб, ғолиб бўлиб кайтдим.”

Амир Темур яна бир тушининг таъбирини шундай хотирлайди: “Шунда менинг ҳам кўнглимда ислом ғайрати жўш уриб, ўзини Жета лашкарининг амирлар бошлиғи санайдиган Бекжекка мактуб юбордимки, Муҳаммад расулуллоҳнинг хонадони ва фарзандларини халос этиб, мусулмонларнинг аёл

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-538-553

ва фарзандларини озод этгин, деб. Менинг сўзим унга таъсир этмади. Илёсхожага айтдим, унинг сўзини хам қулоққа олмадилар. Шундан сўнг ўзим отланиб, ўша етмиш саидзодани Жета лашкарининг тутқунидан озод этдим. Бу нусрат таъсиридан эдики, кечаси тушимда Ҳазрати Рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни кўрдим. Менга марҳамат ва меҳрибонлик кўрсатиб, башоратлар бердилар. Улар тўғрисида олдинроқ зикр этилганди. Бу башоратлардан илҳомланиб, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам хонадони ва саҳобаларининг иззат-икром қилишда қаттиқ жидду-жаҳд кўрсатдим ва мажлис ва маҳфилимни саййидлар ҳузури билан мунаввар қилдим. Шунда пирим менга дедики: “Ҳар турар жойки, унда саййид бўлмаса ва ҳар давлатхонагаки, саййид ва уламо кириб-чиқмаса, у юрт ва давлатхонада хайру баракот ва поклик бўлмайди”.

Имом Ғаззолий рост ва ёлғон тушлар ҳақида шундай дейди: “Солиҳ ва содиқ кишиларнинг тушлари рост тушдир. Ёлғончи кимсанинг туши алоқ-чалоқ, қўрқинчли ва ёлғон тушдир. Фасод ва гуноҳга ботган кишиларнинг қалби ҳам қорайиб кетади. Шубҳасиз, бундай кишиларнинг кўрган тушлари ҳам хатарлидир”. Шубҳасиз, Соҳибқирон Амир Темур Ҳақ ва ҳақиқат йўлидаги инсон, қалби Қуръон ва ислом нури билан мунаввар бўлган солиҳ ва содиқ зот сифатида тушлари ғайбий башоратлардан иборат бўлган ва шунинг учун ҳам доимо воқейлик билан уйғунлик касб этган.

ХУЛОСА

Юқоридаги мисоллар ва таҳлиллардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Соҳибқирон Амир Темур ислом қадриятлари турмуш ва тафаккур тарзига айланган муҳитда тарбия топган.
2. Кучли қувваи ҳофизага эга бўлган Амир Темур, болалигидан Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларни ёдлаган ва умрининг охиригача уларга риоя қилган.
3. Амир Темур нафақат давлат ва сиёсат ишларини юритишда, шунингдек, ҳарбий юришлари ва жангларда ишлатган ҳарбий тактикаларида ҳам Қуръони карим ва Ҳадиси шариф кўрсатмаларидан унумли фойдаланган.
4. Амир Темур ҳарбий ҳаракатлар жараёнида ҳам имкони борича исломий қадриятларга риоя қилган.
5. Амир Темур футўҳотида юксак ҳарбий тактика – жанг санъати ва исломий қадриятлар уйғунлик касб этган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-538-553

REFERENCES

1. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ҳадис. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. IV- том.
2. Муқимов З. Амир Темур Тузуклари. – Самарқанд: Самарқанд давлат университети, 2008.
3. Темур тузуклари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2011.
4. “Темур қиссаси” . Сўз боши. Х.Бобобеков. – Тошкент: “Фан”., 2004.
5. Усмон О. Ваҳдат шаробин ичдим... (Яссавия тариқати). //Мулоқот, 1991, №6.
6. Қуръони карим.
7. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. / Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992.
8. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. / Таржима ва изоҳлар муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001.
9. İmam Gazali. İhya u ´Ulumi`d-din (Terc. A.Serdaroglu). Cild I. – İstanbul: Bedir yayinleri, 1975.
10. Sűleyman, Uludağ. Tasavvuf Terimleri Sozlűgű. – İstanbul: Marifet yayini, 1991.